

БУРГУТХОНОВ Сандумархон Сирожиiddин ўғли
Ўзбекистон халқаро исломишунослик академияси
Динишунослик ва жаҳон динларини
қийёсий ўрганиш UNESCO
кафедраси ўқитувчиси
sayyidumarxon98@gmail.com

ЎЗБЕКИСТОНДАГИ БАҒРИКЕНГЛИК СИЁСАТИНИНГ ХАЛҚАРО ДАРАЖАДАГИ НАМОЙИШИ

ПРОЯВЛЕНИЕ ПОЛИТИКИ ТОЛЕРАНТНОСТИ УЗБЕКИСТАНА НА МЕЖДУНАРОДНОМ УРОВНЕ

MANIFESTATION OF UZBEKISTAN'S POLICY OF TOLERANCE AT THE INTERNATIONAL LEVEL

Аннотация: Мазкур мақолада Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясидаги нутқи асосида мамлакатнинг бағрикенглик сиёсатининг халқаро даражадаги стратегик намоёни таҳлил қилинади. Марказий Осиёда минтақавий тинчликни мустаҳкамлаш, глобал экологик таҳдидларга қарши курашиш ҳамда халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни ривожлантириш Ўзбекистоннинг “жаҳолатга қарши маърифат” тамойилига асосланган бағрикенглик позициясининг узвий давомидир. Мамлакатнинг устувор йўналишлари, жумладан, ёшларни тинчлик руҳида тарбиялаш ва халқаро ҳамкорликни чуқурлаштириш бўйича аниқ тақдирлари кўриб чиқилади.

Калим сўзлар: Бағрикенглик, БМТ, Марказий Осиё, Ислон маърифати, Шавкат Мирзиёев, Халқаро ҳамкорлик, Ёшлар.

Abstract: This article analyzes the strategic demonstration of the Republic of Uzbekistan's policy of tolerance at the international level, drawing on the address of President Shavkat Mirziyoyev at the UN General Assembly. The strengthening of regional peace in Central Asia, the fight against global ecological threats, and the development of dialogue among peoples, cultures, and civilizations are integral continuations of Uzbekistan's position on tolerance, fundamentally based

on the principle of “Enlightenment against Ignorance”. The country's priority directions are examined, including specific proposals for educating youth in the spirit of peace and deepening international cooperation

Key words: Tolerance, UN (United Nations), Central Asia, Islamic Enlightenment (Islamic Knowledge/Education), Shavkat Mirziyoyev, International Cooperation, Youth.

Аннотация: В настоящей статье анализируется стратегическое проявление политики толерантности Республики Узбекистан на международном уровне, опираясь на речь Президента Республики Узбекистан Шавката Мирзиёева на Генеральной Ассамблее ООН. Укрепление регионального мира в Центральной Азии, борьба с глобальными экологическими угрозами, а также развитие диалога между народами, культурами и цивилизациями являются органическим продолжением позиции Узбекистана в отношении толерантности, основанной на принципе «Просвещение против невежества». Рассматриваются приоритетные направления страны, в том числе конкретные предложения по воспитанию молодежи в духе мира и углублению международного сотрудничества

Ключевые слова: Толерантность, ООН, Центральная Азия, Исламское просвещение, Шавкат Мирзиёев, Международное сотрудничество, Молодёжь

КИРИШ

Дунёда халқаро институтларнинг ўрни ва роли заифлашиб бораётган, қарама-қаршиликлар, низо ва урушлар кучайиб, технологик ва ижтимоий тенгсизлик кескин ошаётган, иктисодий ва гуманитар инкирозлар ортиб бораётган хавотирли геосиёсий воқелик шаклланаётган бир паллада, Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТ Бош Ассамблеясининг 80-юбилей сессиясидаги нутқи нафақат миллий тараққиёт йўналишларини, балки мамлакатнинг глобал ва минтақавий хавфсизликни таъминлашга қаратилган бағрикенглик сиёсатини намоён этди.

Ўзбекистоннинг янги ривожланиш даври хавфсизлик, миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенгликни таъминлашга ҳамда ўзаро манфаатли ва амалий руҳдаги ташқи сиёсат юритишга қаратилган. Мамлакатдаги ислохотларнинг асосий мақсади – инсон қадри ва фаровонлигини оширишга қаратилган бўлиб,

бу БРМга эришиш йўлидаги савий-ҳаракатлар билан узвий боғлиқдир.

Ички даражада, Ўзбекистонда виждон эркинлиги ва диний бағрикенгликнинг тарихий ҳамда замонавий асослари мустаҳкамланган. Бу замин шундан далолат берадики, диний бағрикенглик (толерантлик)нинг илдизлари узоқ мозийга бориб тақалиб, у адоватга қарши ўзига хос қалқон вазифасини ўтаган. Қонуний асосларга кўра, кишиларнинг ҳар қандай динга эътиқод қилиш ёки ҳеч қандай динга эътиқод қилмаслик ҳуқуқи кафолатланган.

Президент ўз нутқида Янги Ўзбекистоннинг барча давлатлар билан ўзаро ҳамжиҳатлик, очиқ мулоқот ва яқин шериклик тарафдори эканлигини таъкидлади. Мазкур мақолада Ўзбекистоннинг ана шу бағрикенглик позициясининг халқаро майдондаги муҳим ташаббусларини кенг қамровли таҳлил қилади.

АСОСИЙ ҚИСМ

Ўзбекистоннинг бағрикенглик сиёсати минтақавий муносабатларда Марказий Осиёни тинчлик, яхши қўшничилик ва шериклик маконига айлантириш стратегик мақсади орқали намоён бўлди. Бунда ёпиқ чегаралар, ҳал этилмаган баҳс ва низолар даври ортда қолдирилди. Бугунги кунда Янги Марказий Осиёни шакллантириш жараёни бошланган.

Минтақавий ҳамкорликни янада чуқурлаштириш мақсадида БМТ доирасида қатор аниқ ва прагматик ташаббуслар илгари сурилди [1; 2-3]:

1. Халқаро иқтисодий форум: БМТнинг Иқтисодий ва ижтимоий кенгаши (ЭКОСОС) ва ЮНКТАД шафелигида Марказий Осиё давлатларининг иқтисодий тараққиёти масалаларига бағишланган халқаро форум ўтказиш таклиф этилди. Бу ташаббус минтақавий иқтисодий алоқаларни мустаҳкамлашга хизмат қилади.

2. “Яшил” технологиялар хаби: ЮНИДО (БМТ Саноатни ривожлантириш ташкилоти) билан ҳамкорликда саноатда “яшил” технологиялар минтақавий хабини ташкил этиш таклифи берилди.

3. БРМ дастурлари: Минтақада сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш, “яшил” макон барпо этиш ҳамда демографик

барқарорликка эришиш бўйича дастурларни қабул қилиш ташаббуси билдирилди.

Бундан ташқари, Марказий Осиё мамлакатларининг минтақавий шериклик ва иқтисодий интеграцияни чуқурлаштиришга қаратилган ҳаракатларини қўллаб-қувватлашга доир алоҳида Бош Ассамблея резолюциясини қабул қилиш таклиф этилди.

Ўзбекистон, шунингдек, глобал транзит тизимининг заифлигини инобатга олиб, денгизга чиқиш имконияти бўлмаган ривожланаётган давлатларнинг барқарорлигига салбий таъсир кўрсатаётган ушбу муаммони ҳал этиш учун “Барқарор ривожланиш мақсадлари учун ўзаро транспорт боғлиқлигини мустаҳкамлаш” глобал механизмини жорий этиш вақти келганини таъкидлади [1; 4].

Ўзбекистон иқлим ўзгаришига қарши курашишда нафақат минтақавий, балки глобал даражадаги ечимларни таклиф қилди, бу мамлакатнинг умумбашарий муаммоларга нисбатан масъулиятли ва бағрикенг ёндашувини акс эттиради.

Орол денгизи қуришининг салбий оқибатлари жаҳон ҳамжамиятининг доимий диққат марказида бўлиши лозимлиги қайд этилди. Ўзбекистон 2030 йилгача денгизнинг қуриган тубининг 80 фоиз қисмида яшил қопламалар ҳосил қилишни мақсад қилган.

1. Сув инқирозига глобал баҳо: Мамлакатда Сувни тежаш бўйича бутунжаҳон форумини ўтказиш режалаштирилган бўлиб, унинг якунлари бўйича Сув инқирозини барқарор тараққиёт учун жиддий таҳдид сифатида белгилаш мўлжалланмоқда. Бундан ташқари, глобал даражада инновация технологияларини жорий этиш учун алоҳида “йўл харитаси”ни қабул қилиш нияти билдирилди.

2. Иқлим миграцияси бўйича Глобал пакт: Экологик ўзгаришларнинг салбий кўриниши — иқлим миграциясининг кучайиб бораётгани алоҳида муаммо сифатида кўрсатилди. Ушбу йўналишда аниқ халқаро механизмлар ва ҳуқуқий база ҳанузгача яратилмагани сабабли, Ўзбекистон кенг халқаро шериклик ва мувофиқлаштирилган сиёсат юритиш бўйича Глобал пакт қабул қилиш тарафдори эканлигини билдирди. [1; 5]

Ўзбекистоннинг халқаро ҳуқуқ ва тинчликни мустаҳкамлашдаги конструктив

позицияси, айниқса, низоли ҳудудларга нисбатан бағрикенг ва адолатли ёндашувга асосланади.

Ғазо секторидаги инқироз: Тобора кескин ёмонлашиб бораётган гуманитар инқирозни эътибордан четда қолдириб бўлмаслиги қайд этилди. Президент ҳарбий ҳаракатларни тўхтатиш ва сиёсий музокараларни давом эттиришга чақирди. Ўзбекистон БМТ резолюцияларига мувофиқ, “икки халқ учун – икки давлат” тамойилини амалга оширишнинг катъий тарафдори эканлигини билдирди.

Афғонистон масаласи: Афғон халқининг тинч ҳаётга интилишини қўллаб-қувватлаш учун халқаро ҳамжамиятнинг саъй-ҳаракатларини бирлаштириш, бу давлатнинг яққаланиб қолишига йўл қўймаслик ўта муҳим эканлиги таъкидланди. Ўзбекистон ушбу мамлакат орқали халқаро транспорт ва энергетика коридорларини ривожлантириш бўйича БМТнинг алоҳида резолюциясини қабул қилишни таклиф этди [1; 5].

Терроризмга қарши курашда маърифий ёндашув: Ўзбекистонда фуқаролик жамиятини қуриш босқичида динийлик билан дунёвийлик ўртасидаги янги нисбатни шакллантириш ҳар доим ҳам силлиқ кечмади. Бу йўлда мусулмон аҳоли диний онгини радикаллаштириш ва сиёсийлаштиришга қаратилган урунишлар ҳамон давом этмоқда. Бундай ҳаракатларнинг аниқ кўринишлари сифатида ислом ниқоби остида ҳаракат қилаётган турли оқимларнинг фаолиятида кўриш мумкин [2; 29-30]. Марказий Осиёда Глобал аксилтеррор стратегиясини бажариш бўйича олиб борилаётган самарали ишлар доирасида, Ўзбекистон реализация ва қайта интеграция масалалари бўйича Минтақавий Кенгаши Халқаро компетенциялар марказига айлантиришни таклиф этди. Бу ташаббус жамиятда диний бағрикенглик ва «жаҳолатга қарши маърифат» тамойилларини тарғиб қилишга қаратилган бўлиб, диний экстремизмнинг ва бузғунчи ғояларнинг олдини олишга хизмат қилади [1; 6-7].

Бағрикенглик сиёсатининг яна бир муҳим йўналиши ёш авлоднинг қалби ва онгига тинчлик, гуманизм ва дўстлик, ўзаро ишонч ва ҳурмат каби олижаноб ғояларни сингдиришдир. Бу Ўзбекистоннинг юксак

маънавиятли кадрларни тайёрлаш мақсадига ҳам ҳамоҳангдир.

1. Ёшлар тинчлик ҳаракати: Шу мақсадда “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни таъсис этиш ва унинг қароргоҳини Ўзбекистонда жойлаштириш таклифи илгари сурилди.

2. Ислом маърифатининг тарғиботи: Мамлакатдаги Ислом цивилизацияси марказининг яқин ойларда очилиши режалаштирилган бўлиб, бу марказ кенг минтақа учун ноёб аҳамиятга эгадир. Шунингдек, Президент БМТда буюк аждодлар – Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридийнинг бой маънавий ва илмий меросининг алоҳида тақдиротини ўтказиш ниятини билдирди. Бу ҳаракатлар ислом динининг асл моҳияти (эзгулик, бағрикенглик, илм-маърифат)ни нотўғри талқин қилувчи экстремистик оқимларга қарши курашда ва ёшларда ғоявий иммунитетни шакллантиришда муҳим роль ўйнайди.

3. Рақамли ривожланишда тенглик: Мамлакатлар ўртасида рақамли ривожланиш ва сунъий интеллектдан (СИ) фойдаланишда тенгсизликнинг олдини олиш муҳимлиги таъкидланди. Шу мақсадда соғлиқни сақлаш, таълим ва маданият соҳаларида СИнинг амалий ечимлари ва моделларини бегараз алмашишга қаратилган Халқаро ҳамкорлик механизми яратиш таклифи берилди.

Ўзбекистон халқаро ҳуқуқ меъёрларига содиқлик ва кўп томонлама ҳамкорликни мустаҳкамлашда фаол роль ўйнашга тайёр. Бу нутқ Бош котиб Антониу Гутерришнинг энг оғир ва ўткир глобал масалаларни муроса билан ҳал этиш учун Ташкилотни асосий платформа сифатида сақлаб қолишга қаратилган саъй-ҳаракатларини юксак баҳолашини билдириш билан бошланди.

Ўзбекистон халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш йўлида ўз ҳиссасини қўшишга доим тайёр эканлигини билдирди. Мамлакат виждон эркинлиги ҳуқуқини таъминлаш бўйича Инсон ҳуқуқлари Умумжаҳон Декларацияси ва Фуқаролик ва сиёсий ҳуқуқлар тўғрисидаги Халқаро Пакт каби халқаро ҳужжатларнинг қоидаларига мос миллий қонуний асосларга эга [2; 76]. Ўзбекистоннинг виждон эркинлиги сиёсати турли эътиқодларнинг бир замон ва

маконда биргаликда мавжуд бўлишига имкон беради [4; 4-5].

Бу кўп томонлама ёндашув глобал тинчлик ва барқарорликка эришишда, айниқса, ҳозирги даврдаги қарама-қаршилиқлар ва низолар шароитида муҳим аҳамият касб этади.

ХУЛОСА

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг БМТдаги нутқи, мамлакатнинг бағрикенглик сиёсати нафақат ички ижтимоий-маънавий барқарорликнинг, балки халқаро тинчлик, ҳамжиҳатлик ва ривожланишнинг кафолати эканини тасдиқлади.

Нутқдаги Марказий Осиёда минтақавий интеграцияни чуқурлаштириш, Сув инкирози бўйича глобал саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш, Афғонистон ва Ғазодаги низоларга нисбатан конструктив ва “икки халқ учун – икки давлат” тамойилига асосланган ёндашув, шунингдек, ёшларни гуманизм руҳида тарбиялаш учун “Жаҳон ёшларининг тинчлик сари ҳаракати”ни ташкил этиш таклифи Ўзбекистоннинг глобал жараёнлардаги фаол ва масъулиятли иштирокини белгилаб берди.

Сўнгги йилларда Ўзбекистонда турли динларга мансуб кадриятларни асраб-авайлаш, фуқароларга ўз эътиқодини амалга ошириш учун зарур шароитларни яратиш, динлар ва миллатлараро ҳамжиҳатликни янада мустаҳкамлашга алоҳида эътибор қаратилмогда. Қолаверса, мамлакатда миллатлараро ва конфессиялараро тотувликни таъминлаш учун барча ҳукукий асос ҳамда зарур шароитлар яратиш учун етарлича тажриба тўпланган.

Айниқса, ҳар йили мамлакатимизда “16-ноябр - Халқаро бағрикенглик куни” кенг миқёсда нишонланиб, турли диний конфессия вакиллари, хорижий давлат ва халқаро ташкилотлар масъуллари иштирокида турли семинар, илмий анжуманлар ўтказилиши яхши анъанага айланган.

Ҳозирги нотинч ва таҳликали замонда дунё ҳамжамияти олдида турган, инсоният дуч келаётган мураккаб муаммолар, хавф-хатарларни биргаликда бартараф этиш, турли таҳдидларнинг олдини олиш барча эзгу ниятли инсонларни, айниқса, қўшни мамлакатлар билан биргаликда, нуфузли халқаро ташкилотларнинг

саъй-ҳаракатларини бирлаштиришни тақозо этмоқда [5; 7].

Мамлакатнинг Ислом маърифатининг асл кадриятларини тарғиб этиш ва ёшларда залолат аҳлининг шубҳа ва гумонларидан ҳимоя қилувчи иммунитетни шакллантиришга қаратилган интилишлари, бағрикенглик сиёсатининг “жаҳолатга қарши маърифат” тамойилига содиқлигини кўрсатади.

Ушбу ташаббуслар Ўзбекистоннинг халқлар, маданиятлар ва цивилизациялар ўртасидаги мулоқотни мустаҳкамлаш ва умумбашарий мақсадларга эришиш йўлида ўз ҳиссасини қўшишга доимий тайёрлигини яққол намоён этди.

Фойдаланилган манба ва адабиётлар рўйхати

1. Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевнинг Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Бош Ассамблеясининг 80-сессиясидаги нутқи. 23.09.2025 // <https://president.uz/uz/lists/view/8525>
2. Алимова М., Бургутхонов С. Жаҳон динлари: Ислом тарихи, таълимоти, манбалари, анъаналари (Монография). Тошкент: Ўзбекистон халқаро ислом академияси, 2024.
3. Диний мутаассиблик: моҳият, мақсадлар ва олдини олиш йўллари / А.Ҳасанов, О.Юсупов, К.Шермухамедов, У.Ғафуров, Ж.Каримов. – Тошкент: Мовароуннаҳр, 2013. – 160 б.
4. Муратов Д., Каримов Ж., Алимова М. Диншунослик (Дарслик). – Тошкент: Навруз, 2019. – 260 б.
5. Миллатлараро тотувлик ва диний бағрикенглик – жамият барқарорлиги гарови/ Тузувчи: С.Давлатова, М.Алимова, О.Эрназаров. – Тошкент: Lesson press, 2022. – 276 б.